

Ғам-ташвишдан қутулмоқчимисиз?



09:08 / 06.07.2019 2948

Ушбу сурат National Geographic сайтида эълон қилинган бўлиб, унда инсоннинг ёнида турган ҳутни ҳақиқий катталиқда кўришимиз мумкин. Бу расмдаги ҳутга, унинг оғзи қанчалик катталигига қаранг. У ёнида турган инсонни осонлик билан ютиб юбориши мумкин.

Оғирлиги 100 тоннадан оғирроқ бўлган улкан ҳут сизни ютиб юборишини ва сиз зулмат ичида қолишингизни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Агар шундай вазият бошингизга тушса, нима қилар эдингиз? Кимга нидо қилардингиз?

Сиз нидо қилаётган Зот, сизни ижобат қилишга қодирлигини тасаввур қиласизми?

Юнус алайҳиссаломни улкан ҳут ютиб юборгани ҳақида Қуръони Карим хабар берган. У киши ҳутнинг қорнида, зулматда туриб, «**Сендан ўзга**

Илоҳ йўқ, Сен поксан, мен золимлардан бўлдим» деб тасбеҳ айтар эдилар. Мана шу тасбеҳлари у кишининг ғамдан қутулишларига сабаб бўлди. Аллоҳ таоло дарҳол у бандасига нажот берди ва ҳутнинг оғзидан ташқарига чиқарди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади:

«Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга шундай нажот берурмиз» (Анбиё сураси, 88-оят).

Дўстларим! Сиз ўз муаммоларингиз ва ғамларингизни ҳутнинг қорнидаги Юнус алайҳиссаломнинг ғамларидан каттароқ деб ўйлайсизми?! Албатта, ушбу солиҳ бандасига дуосининг баракаси билан муаммодан нажот берган Зот бизга ҳам ҳар қандай муаммодан нажот беришга қодирдир!

Лекин бир шарти бор. Ушбу дуони ихлос билан кўп қилишимиз керак.

نَمُتْ بِاللَّهِ إِنَّ كَيْدَ الْبَاطِلِ لَهٗ لَآلٍۭ

«Лаа илааҳа иллаа анта. Субҳаанака. Инний кунту миназ золимийн».

«Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, мен золимлардан бўлдим».

Аллоҳ таолога барча мусулмонларни ғамдан қутқаришини сўраб дуо қиламиз. Албатта, У барча нарсага қодирдир!

«Юнус алайҳиссаломнинг дуолари» номли мақоладан

Тайёрлади: Нозимжон Ҳошимжон